

8-9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН “ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Н. Шаронова, Ш.Шукуров,
Қашқадарё ВХТХҚТМОИ*

Таълим-тарбия мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, янги технологияларга айланиб бормоқда. Худди шу каби таълим-тарбия соҳасида ҳам сўнгги йилларда педагогик технологияга амал қилина бошлади. Педагогик технологиянинг мазмуни эса ўқитувчи, тарбиячи томонидан ўқувчига ақлий, руҳий, ахлоқий ҳақиқатдан турли усулда таъсир ўтказишдан иборат.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда илғор педагогик технологияларни татбиқ этган ҳолда билим бериш, дарснинг қизиқарли бўлиши, ўқувчиларнинг билимини оширишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ислохотлар замирида Ўзбекистоннинг таълим тизимида янги бир фан **“Иқтисодий билим асослари” фанининг ўқитилиши жорий этилди**. Мазкур фаннинг жорий этилишидан кўзланган мақсад ёш авлодга замонавий билимлар бериш, касб -хунар ўргатиш, иқтидори, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ўстириш, уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, эзгу ғазилатларга садоқат руҳида, замонавий иқтисодий ҳуққ – атвор нормаларини, иқтисодий маданиятни эгаллаш, иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдан иборат.

“Иқтисодий билим асослари” фанининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди, иқтисодий

саводхонликларини юксалтириб, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш кўникма ва малакаларини шакллантиради.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқтисодий таълимни амалга оширилишида таълим-тарбиянинг узвий ва узлуксизлиги катта аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт ҳаммабоп илм, ҳаётий зарур фандир. Чунки, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлар иқтисодий саводхонликка мойил инсонлар ҳисобланадилар. Буюк юнон олимлари Аристотель ва Ксенофонт “*ekonomikos*” дея биринчи мартаба ишлатган сўз замирида “уй хўжалигини юритиш санъати” ибораси мавжуд. Бу эса биз билган “рўзғор” сўзига бориб тақалади.

Ушбу тушунчалар билан биз 8-синф ўқувчиларига иқтисодий билим асослари фанидан сабоқ берамиз. Аслида бошланғич синф ўқувчиси бўлган даврларда, оилада, кўча-кўйда бу сўзни эшитган 8-синф ўқувчисига фан ҳақида энди чуқурроқ билимлар бериш зарур, чунки келажакда улар “уй хўжалигини юритувчи санъаткорлар”дир.

Биринчи навбатда илк куниёқ ўқувчида фан ҳақида илиқ таассурот уйғотиш керак. Бунинг учун ўқитувчидан педагогик маҳорат талаб этилади. 8-9 синф ўқувчилари учун “Иқтисодий билим асослари” фани дастурида боблар бўйича қизиқарли мавзулар дарсликка киритилган. Лекин, дарсликдан мустақил таълим олмоқчи бўлган ўқувчида энг аввал фанга бўлган тўғри муносабатни шакллантириш зарурдир.

Масалан, I-боб: Иқтисодиётга кириш. Ушбу боб тўлиқ фанни билиш ва фаннинг асосий тушунчаларига илк таассурот уйғотишга бағишланади. Бунда ўқитувчи “Кластер” усулида “Иқтисодиёт оламига саёҳат”ни ташкил этиши мумкин. Ўқитувчи, энг аввало, замонавий интерфаол ўқитиш услубларини қўллаш орқали, дарсда тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, дунёнинг глобал муаммоларига бағишланган ҳужжатли, қисқа метражли диафильмлардан фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, иқтисодий тушунчалар турли-туман ҳаётий мисоллар орқали ўқувчига

тушунашли ва равон тилларда очиб берилиши керак. Агар ўқитувчи ўқувчиларга “Ақлий ҳужум” орқали “Дунёнинг энг глобал, долзарб муаммолари қайсилар?” деган муаммони ташласа, “Музокара” усулида дарс бошланади. Ўқувчилар ўз фикрларини билдиришади, кимдир “уруш муаммоси”, яна кимдир “экология муаммоси” ва ҳ.к.ларни айтиб, бунга ўз муносабатини билдиради. Шунда ўқитувчи уларни суҳбатга чорлагандек, илиқ қабул қилиши керак ва “Сиз ҳақсиз, тўғри!” деб қабул қилиб, сўнгида ушбу муаммоларнинг “ота-онаси” – “инсон эҳтиёжларининг чексизлиги ва ресурсларнинг чекланганлигини” айтиб, фаннинг предметини тушунтириб бериши керак. Шунда болалар муаммонинг ечими ҳақидаги фикрларини билдиришади ва дарс ўқувчиларнинг фаоллиги асосида ўтади. Ушбу жараён 1, 2, 3, 4-мавзуларга бағишланади (Дарсликка қаранг).

II-боб: Бозор, III-боб: Оила – уй ҳўжаликлари иқтисодиёти, IV-боб: Талаб ва таклиф каби иқтисодиётнинг катта бўлимларига бағишланади. Бу боблар бир-бирини тўлдирувчи бўлиб, бозор ҳақида тушунмаган ўқувчида талаб ва таклиф қонуниятлари, бозорни англамаган ўқувчида оила иқтисодиёти тўғрисидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш жараёни қийин кечади. Бу боб ва улар ичидаги мавзулар доим бошқа фанлар билан алоқадорликда тушунтирилиши керак, математика, адабиёт фанлари, улардан мисол ва масалалар ёрдамида юқоридаги тушунчалар ўқувчилар онгига тезроқ сингади. Бунда “Зиг-заг”, “Чархпалак”, “Бумеранг” технологияларидан, “Кейс-стади”, “Венн-диаграммаси” каби усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Кўргазмали қуроллар, слайдлар, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш ўқувчининг фаоллигини оширади. V-боб: Рақобат ва бозор иқтисодиёти, VI-боб: Солиқ тизими каби боблар ўқувчиларнинг 8-синф якунида оладиган зарурий билимларга бағишланади. Бунда ўқитувчига “Ролли ўйинлар”дан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки, қисқа вақт ичида рақобат ва бозорга оид тушунчаларни, реклама, рақобат кураши, бозор ҳолати, товар-пул муносабатларини

ўқувчилар иштирокида “саҳна кўринишлари” билан ифодалаш ўз самарасини беради. Ўқувчилар гуруҳ, жамоа бўлиб иштирок этишади.

9-синфга ўтган ўқувчи айнан битирувчи бўлганлиги боис, фанга ҳам кўпроқ эътибор қаратишига ўқитувчи туртки бўлади, десак, адашмаймиз. Сабаби, келажакда касб танлаш билан боғлиқ масалалар иқтисодиётга ҳам боғлиқдир. 9-синф ўқув дастури ва дарслигида I-боб “Тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш”га, II-боб “Менежмент ва маркетинг”га, III-боб “Давлат ва иқтисодиёт”, IV-боб “Иқтисодий ўсиш”, V-боб “Инфляция ва ишсизлик”, VI-боб “Жаҳон иқтисодиёти”га бағишланади. Ушбу саналган мавзулар қанчалик катта аҳамиятга эгалигини ўқувчилар онгига сингдириш учун ўқитувчи инновацион технологиялардан фойдаланиши тавсия этилади.

“Тадбиркорлик” мавзусига ўқувчини “Эссе” ёзишга ундаш керак. “Агар тадбиркор бўлсам” мавзусида ўқувчи ҳар бир орзу-хоҳишини ифодалай олади. Ҳар бир бола тадбиркор бўлганида ишни нимадан бошлаши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўради ва эсседа ифодалаб беради. Хулоса қилинаётган пайтда ўқитувчи тадбиркорлик тамойилларини, “манфаат” тушунчаларини кенгроқ тушунтиради. Бунда “Кейс-стади” усулидан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Кейинги мавзуларда эса ишлаб чиқариш омиллари, ресурс турлари, уларнинг имкониятлари замонавий компьютер технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда чуқурроқ тушунтирилади.

Давлатнинг иқтисодий вазифалари, солиқ сиёсати, солиқларнинг зарурийлиги, бюджет ва уни шакллантириш, иқтисодий ўсишга эришиш каби мавзулар “Кластер”, “Бумеранг”, “Ролли ўйинлар”, диафильмлар орқали тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Оддий оқ ва рангли қоғозлар, фламастерлар, мавзуга доир расмлар ва китоблар ёрдамида дарс ўтиш ҳам самарали усул ҳисобланади. Айниқса, “Давлатнинг иқтисодий вазифалари”, “Иқтисодий ўсиш” каби мавзуларда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асар ва маърузаларидан фойдаланиб, соддалаштириб, тушунарли этиб баён этиш орқали ўқувчиларда сиёсий билимларини ҳам ошириб боришга

кўникма ҳосил этишга ҳаракат қилмоғимиз керакки, келажакда Президент маърузаларини тинглаб, тушуна оладиган фарзандларимиз кўпаяди.

Миллий валютаимиз, жаҳон пуллари ҳақидаги билимларини ошириш учун кўрғазмали қуроллар, банкнота намуналаридан, “Монополия” ўйинларидан фойдаланиш тавсия этилади. Банк тизими, кредит ва унинг тамойиллари, кредит фоизини ҳисоблашга доир мавзулар ўқувчиларнинг ўзларини иштирок этган ҳолатда амалий машғулотлар ёрдамида ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги мавзулар таснифи билан кўриниб турибдики, ҳар бир мавзу ўзига яраша қизиқарли ва керакли аҳамият касб этади. Фақатгина ўқитувчидан озроқ маҳорат, илғор педагогик технологияларни қанчалик билиши, уларни қўллай олиш санъати, ўринли қўллаш орқали ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши талаб этилади. Илғор педагогик технологияларни қўллаб дарс ўтилганда синфда ўзлаштирмайдиган ўқувчи қолмайди. Деярли барча ўқувчилар дарс жараёнига жалб этилиб, уларнинг дарсга ва шу фанга бўлган қизиқишлари ортади. Биз ўқитувчиларнинг асосий мақсадимиз - ўқувчиларда шу фанга бўлган қизиқишларини уйғотишдир. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг келгусида мустақил билим олишларига, ҳунар ўрганишларига имкон яратади.

Шундай экан, дарс соатига эмас, дарс сифатига эътиборимизни қаратсак, олдимизга қўйган юксак мақсадимизга эришган бўлардик.